

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамгармаси
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни
мувофиқлаштириш қўмитаси
Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти



Ёш олимлар ва талабаларнинг

**“XXV АСР - ИНТЕЛЛЕКТУАЛ
АВЛОД АСРИ”**

шиори остидаги ҳудудий илмий-амалий анжуман

МАТЕРИАЛЛАРИ

Нукус, 2016 йил 10-11 июнь

monolingual dictionary and find the definitions of the underlined words in the text), которые способствуют интериоризации (приобретению) слова. Как видно, авторы учебника предлагают дифференцированное изучение лексики. Перечисленные виды работ, по нашему мнению, можно дополнить заданиями, направленными на решение коммуникативных задач. Использование слов должно быть обусловлено мотивом и целью, так как в реальной жизни мы употребляем слова для передачи того или иного коммуникативного намерения. Очень важно, чтобы у обучающихся возник мотив для ознакомления и употребления слова. Задания должны научить учащихся пользоваться словом как орудием речевой деятельности и средством осуществления речевого действия.

Одной из наших задач при анализе учебника было определение объема и содержания изучения глаголов английского языка учащимися академических лицеев для достижения уровня B1. В ходе анализа нами выявлено, что в учебнике мало внимания уделено глагольной лексике, а ведь именно глагол способен «управлять, выстраивать вокруг себя длинную шеренгу разнообразных и последовательно зависящих друг от друга слов и предложений»[2;141]. Именно глаголы несут в себе основную коммуникативную нагрузку речи, именно они являются активным, действенным ядром высказывания, и поэтому по нашему мнению, необходимо выделить подгруппы глаголов для изучения в разных курсах академических лицеев. Также, недостаточен дидактический материал для работы с глаголами, которые представляют особую трудность в плане их усвоения и не отрабатывается их специфическое употребление в речи.

Возможно, будет меняться содержание учебников по английскому языку, но знание английского языка останется как основная задача. Проанализировав учебную программу и учебники по английскому языку для академических лицеев с точки зрения нашей проблемы, мы пришли к выводу, что необходимо интенсифицировать и индивидуализировать процесс обучения английским глаголам.

Таким образом, можно констатировать, что в Республике Узбекистан совершенствуется система непрерывного образования, осуществляется коренное изменение образовательных и профессиональных программ с учётом современных мировых достижений образования, науки и технологий, уделяется огромное внимание изучению иностранных языков и многие другие работы, которые в конечном итоге приводят к формированию совершенной системы подготовки кадров на основе богатого интеллектуального наследия народа и общечеловеческих ценностей, достижений современной культуры, экономики, науки, техники и технологий.

Использованная литература:

1.Бакиева Г., Ирискулов М. и др. «English» (for the students of academic lyceums and vocational colleges). Т. 2014.

2.Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. М.1956.



РАҲБАР КАДРЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИ ВА УНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

У.Атажанов

Ажиниёз номидаги НДПИ

*Аъми қатъий, тадбиркор, хушёр, жанг кўрган, мард,
шижоатли бир киши, мингта тадбирсиз,
лоқайд кишидан яхшироқдир
Амир Темур*

Маълумки, давлат ва жамиятни бошқаришда раҳбар кадрлар фаолияти ижтимоий таъсир жиҳатдан жуда катта аҳамият касб этади.

Жамият таракқиёти ёки унинг таназзулга йўл тутиши айнан шу раҳбарлик лавозимида фаолият кўрсатаётган шахсларнинг келажакни олдиндан кўра билиш,

муаммоларни қай даражада англаб етиш ҳамда уларни бартараф этиш йўл-йўриқларини излаб топа билиш қобилиятига, шахснинг салоҳияти боғлиқдир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг раҳбар кадрлар масъулиятига, уларнинг ишга муносабатини ўзгартиришга бир қатор талаблар қўйиб келмоқда. Улардан биз раҳбарлик мактабини қайта-қайта ўргансак мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу ерда раҳбарликнинг илмий тарафларини келтириб ўтадиган бўлсак, олимларнинг илмий маълумотларга кўра интеллектуал меҳнат билан шуғулланувчи одамларнинг 93%и “бошқарув синдроми” касалигига дучор бўлиши қайд этилган. Америка ва Япониялик олимлар 1500 бошқарувчиларни тадқиқот қилиш асосида раҳбарликка оид қуйидаги хислатлар ажратиб кўрсатадилар:

- стратегик режалаштиришга мойилликнинг кучлилиги;
- ишчиларни, меҳнат ресурсларини тақсимлаш бўйича мақбул ва ўз вақтида қарор қабул қилиш;
- фаолият доирасини кенгайтириш ёки юксак тартибда меҳнат қилиш эвазига ўз масъулиятини оширишга интилиш;
- хавфли шароитда ижодий ва рационал қарор қабул қила олиш;
- ўз кучига чексиз ишонч;
- ўз ҳуқуқларини англаш ва масъулиятни ҳис қилиш;
- кези келганда қурбон беришга ҳам тайёр туриш;
- мулоқот малакаларини мукаммаллаштиришга интилиш;
- мураккаб ва инқирозли вазиятдаги жараёнларни таҳлил этиш ва интуитив тарзда башорат қила олиш;
- меҳнатга юксак қадрият сифатида қараш ва унга бутун куч-ғайратни сафарбар этиш;
- айбдорни излаш эмас, балки муаммони ҳал этишга интилиш, таваккалдан кўрқмайдиган ва мустақил фикрдаги ходимлар билан ишлаш хоҳиши;
- амалга оширилаётган ғоя ва натижаларни ишлаб чиқаришга ва уни жорий этишда худди шахсий мулкдек қараш.¹⁰

Олинган ахборот ва маълумотлар қандай бўлмасин, одамлар, аввало ўз хусусий манфаатларига мос келиш-келмаслигини текшириб кўрадилар. Умумий манфаат инсон шахси учун ҳамиша иккинчи даражали бўлиб қолаверади. Лекин шундай шахслар борки, умумманфаатни биринчи даражага қўйиш талаб этилади ва бу раҳбар кадрлар ҳисобланади.

Фаолияти бошқарувдан иборат бўлган раҳбар шахсларда шахс дунёқарашининг шаклланиши фалсафий нуқтаи назардан уларнинг ҳаётдаги мақсадининг ижтимоий фаолият талабларига аралашиб кетиши воситасида чуқур ўзгаришларга учраши қайд этилган.

Тадқиқотчиларнинг кўпгина диққат-эътиборларидаги асосий хусусиятлардан бири – раҳбар шахсига хос доминантлик (устунлик)ка интилишдир. Айнан ана шу сифат раҳбарнинг ташаббусни ўз қўлига олишига ва гуруҳга етакчилик қилишига, шунингдек, мураккаб вазиятда масъулиятни ўз бўйнига олишига замин яратади. Шу муносабат билан тадқиқотчи-психолог Р.Стогдилл қаламига мансуб “Раҳбарлик” қўлланмасида доминантлик бошқарувга зарур сифатлар рўйхатида биринчи ўринга қўйилади.¹¹

Юқоридаги айтилган фикрлардан келиб чиқиб, президентимиз олиб бораётган амалий фаолияти ва назарий кўрсатмаларини таҳлил қилган ҳолда бу хислат ва фазилатларни Ислом Каримов шахси сиймосида кўрсак бўлади.

Бунинг амалиётаги фаолиятини кўришни, билишни истасак, мустақиллигимизнинг 20 йиллик арафасида президентимизнинг давлатимизга раҳбар бўлиб келган кунидан бошлаб, яъни 1989-1991 йиллар (мустақилликга эришгунча) бўлган вақтни қамраб олувчи тўплам “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобидан топишимиз мумкин. Китобни ўқимаганлиги сабабли ҳаммага ҳам ўша вақтдаги воқеа-ҳодисаларнинг аниқ моҳияти ва мазмуни етиб бормаган бўлиши мумкин.

¹⁰ Интернет маълумот

¹¹ Интернет маълумот

Президентимиз ўша пайтга, яъни собиқ иттифоқ даврида кўп йиллар давомида Режа қўмитасида, Молия вазирлигида, вилоят раҳбари бўлган вақтларида ўзи суйган ўзбек халқининг тарихий илдизлари, бой ишлаб чиқариш базаси, қўлай иқлим шароити бўла туриб, оғир ва аянчли ижтимоий, сиёсий, иқтисодий манзараларига баҳо берар экан, раҳбар бўлиб келган кунларданоқ аччиқ ва ҳаққоний бир хулосага келиб, “Биз бундан буён эскича яшаолмаймиз ва замоннинг ўзи бунга йўл қўймайди”¹² дея раҳбарлик лавозимида масъулият билан киришганини амалда кўрамиз. Ана шу хулосанинг ўзиёқ раҳбарликнинг шахс дунёқараши, ишни халқ бошига тушган қийинчиликларни бартараф этиш яъни, умумманфаатни ҳимоя қилиш принципига айнан тўғри келишини айтиш мумкин.

80-йилар охирида халқ ҳўжалигида юз берган хато камчиликлар, миллатнинг айби сифатида талқин этишга уринишлар бутун Ўзбекистонда сиёсий фаолликни, марказий ҳукумат хатти-ҳаракатларига қарши кайфиятнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ўша вақтларда миллий ўйғониш ҳаракатлари жонланиб кетдики, халқда сиёсий ва ҳуқуқий мустақиллик интилиш ҳаракати оммавий тус олиб, мустақил давлатчилик ташкил этишнинг ғоявий йўналишлари халқнинг барча қатламларида пайдо бўлиб, улар бир хилда эмасди. Айрим ҳудудларнинг ғоявий манфаатлари бошқа ҳудуд манфаатларига тўғри келмас ва халқ пароканда кайфиятда эди. Ана шу вақтда халқимизнинг дунёқарашида ижтимоий тузумнинг, тартиб, мафкура бошқарувни ташкил этишнинг бир қатор йўналишлари вужудга келди.

Булар:

1. Диний йўналиш.
2. Миллатчилик йўналиши.
3. Коммунистик тузум тарафдорлари.
4. Оломон ёки анархистик йўналишдагилар эди.

Аммо, афсуски, бундай хилма-хил тафаккур тарафдорлари орасида курашлар кескин тус олиб, хаттоки қонли тўқнашувларгача бориб етди.

Ўша вақтларда Ўзбекистон мустақил ҳуқуқий демократик давлат куриш йўлидан қайтаришга ва ундан оғдиришга бўлган бундай уринишлар эслайдиган бўлсак, Фарғона вилоятидаги бузғунчи кучлар томонидан ташкил этилган тартибсизликлар, Намангандаги қўпоровчи кучларнинг ақидапарастлиги, Тошкентдаги Талабалар шаҳарчасидаги уюштирилган экстремистик кучларнинг жанжаллари, Ўски тузумни сақлаб қолишга уринган сиёсий авантюристлар, Қирғизистоннинг Ўш шаҳридаги Миллатлар зиддияти ва бошқаларни келтириш мумкин. Ана шу ерда, давлатимиз раҳбарининг шахс сифатида ва шунингдек, оддий инсон сифатида жонини гаровга қўйиб таҳликали жараёнларда довюраклик ва собитқадамлик билан юрт тинчлиги, унинг фаровонлиги ва озодлигига эришиши йўлидаги ҳаракатнинг ўзи ҳар бир раҳбар шахси учун намунали мактабдир.

Айтиш жоиз, ўша вақтларда янги давр ва унинг имкониятларини тўғри тушунадиган замонавий кадрлар озчиликни ташкил этарди. Бошқарув тизимида миллий мустақил, демократик давлатчиликка хайрихоҳлик баланд, аммо бу ғоя амалга ошмаган тақдирда келадиган ҳалокатдан қўрқув кучли эди. Чунки сўнгги репрессия жуда кўп раҳбар шахслар ва уларнинг хонадонларини вайрон қилганди.

Ҳақли равишда бу давр раҳбарларини И.А.Каримов уч тоифага бўлиб, шундай деган эди:

“Биринчи тоифа – иймонсиз, виждонсиз шахслар, фурсатдан фойдаланиб, ўз манфаатини кўзлайдиган кимсалар. Уларга Ватан, Мустақиллик туйғуси, эл-юртнинг ғами бегона. Улар фақат ўз чўнтагини ўйлайди.

Иккинчи тоифага иродасиз, мўрт, бўшанг одамлар киради. Бундайлар шамол қаёқдан эсишини пойлаб туради, ўз фикрига эга эмас. Бирон бир оғир юмушни зиммасига олмай, масъулиятдан қочади. Булар ҳар қандай одам билан ҳам, ҳар қандай тузумда ишлайверади.

Учинчи тоифадагилар – юрагида ўти бор, серғайрат одамлар, ёшлар, фидойи ватанпарварлар. Биз ишимизда мана шу кейинги тоифага таянмоқчимиз.

¹² И.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.2001й.8-б

Буни биз амалий жихаттан кўриб чиқадиган бўлсак, президентимиз ҳамма вақт раҳбар кадрлар масъулияти ҳақида ўз фикрларини билдириб келганлар. Хусусан, 1989 йили 19-августдаги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI (16) пленумидаги «Жамиятни янгилаш учун курашаётган барча соғлом кучларни бирлаштириш зарур» номли нуткида қўйидаги фикрларни айтади:

“Республикада кадрлар ишини жиддий қайта қуриш зарур. Кадрларни танлаш чоғида, энг аввало, уларнинг сиёсий ишчанлик, профессионал ташкилотчилик фазилатларига, ташаббускорлигига, масъулиятни ўз зиммасига ола билишга асосий эътиборни қаратиш керак. Биз истеъдодли, истикболли кишиларни топа билишимиз, уларни тарбиялашимиз ва уларга масъулиятли саҳоларни топширишимиз зарур. Урф-одатларни, халқ анъанларини яхши биладиган ёш кадрларни лавимларга қўтаришни тўғри йўлга солиш гоят муҳимдир”¹³ деб таъкидлаган бўлсалар ва бу масаланинг нечоғлик долзарб масала эканлигини келтириб “Биз олдимизга қандай муҳим вазифа қўймайлик, қандай ҳаётий муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, юқорида айтганимиздек, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади”¹⁴ деган эдилар.

Президентимиз 1990 йил 24 февралда СССР Олий Совети, Ўзбекистон Олий Совети, маҳаллий депутатларнинг кенгашида “Одамлар биздан амалий ишлар, аниқ натижалар кутмоқда” номли нуткида ибратли бир ҳикояни келтиради: “Амир Темури ярим жаҳонни забт этиб олиш ўрмон қабилаларига бориб етибди ва у ердаги қайсар ва жангари, озод ва самимий бу қабилани бўйсиндирибди. Шунда қабила бошлиғи чорасизликдан шундай деган экан: Эй Темури! Сен бизни қурол кучи билан енга олдинг. Бироқ сенга айтадиган бир шартимиз бор. Агар сен қассоб бўлсанг, бизни сўйиб ташла, агар сен савдогар бўлсанг, бизни сотиб юбор, агар подшо бўлиб келган бўлсанг - бизларга бахт ато эт деган экан”¹⁵.

90-йиллар бошларида давлатимиздаги вазиятни тўғри англаб етмаслик, давлат раҳбарияти томонидан амалиётга тадбиқ этила бошлаган ислохот-дастурлари моҳиятини тушинмаслик раҳбар кадрлар дунёқарашида бир қатор иллатларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Президентимиз бу иллатлардан қутилишда раҳбар шахсини танлаш масаласига уларнинг учта хислат ва фазилатини эътиборга олишини келтириб, шундай деган эди: “Биринчидан, ўзини бошқалар билан тенг олиб гаплашадиган, бошқаларнинг дарду ташвишларини баҳам кўришга тайёр бўлган инсонни ўз номзоди сифатида қабул қилиш керак. Иккинчи фазилати шуки, ўзини ўйламасдан, авваламбор, ўзига ишонган халқнинг дарду ғамини, унинг тағдири, эртанги кунини ўйлаб яшаши лозим. Учинчи фикр шуки, синовдан ўтган кишиларни раҳбар қилиб танлаш керак”¹⁶.

Республикаимиз Президенти И.Каримовнинг ўша пайтларда Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари халқ депутатлари вилоят кенгашлари йиғилишларида сўзлаган нутқларида ўзгараётган замон ва маконда раҳбар кадрлар фаолиятида кўзга ташланаётган бир қатор камчиликларни айтиб ўтиб, қуйдагилар иллатларни келтириб ўтган эди: ижтимоий-сиёсий заифлик; (иқтисодий-ҳуқуқий) жинойтчиликка бепарволик; масъулиятсизлик ва лавозимни суиистеъмол қилиш; гуруҳбозлик, ҳасад ва тирноқ остидан қир қидириш; қатъиятсизлик, лаганбардорликка ҳомийлик; халқ, давлат мулки ва имкониятларидан хусусий манфаатлар йўлида фойдаланиш; буйруқ қутиш, ташаббус кўрсатмаслик; ваъдабозлик, муътелик ва ёмон кўринишдан қўрқиш; қуйи раҳбар кадрлар фаолиятини бошқариш ва давлат режалари бажарилиши устидан назоратда бепарволик; тўрачилик, ошна-оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик; давлат мулки ва маблағларининг тақсимланишига эътиборсизлик, ўзибўларчилик; ўғирлик, қўшиб ёзиш, қўзбўямачилик, талон-тарож; қонун, фармон ва қарорларни менсимаслик; издан чиқаётган савдо, ҳуқуқ-тартибот, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими соҳаларига лоқайд қараш; сохта (юқори

¹³ И.Каримов.Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.Т.2001й.56-б

¹⁴ И.Каримов.Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили.Т.1995й.17-б.

¹⁵ И.Каримов.Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.Т.2001й.18-б

¹⁶ И.Каримов.Она юртимиз бахт-у иқболи ва буюк келажиги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир.Т.2015й.207-208-б

рахбарлар олдида) обр-этиборга интилиш; порахўрлик; хорижий ташкилотларни жалб этишда ҳамкорлик тушунчасининг етишмаслиги; бошқарувда порахўрлик, таъмагирликка асосланган воситачиликка берилиш; давлат томонидан ажратилган маблағларни ўзлаштиришда “манфаатли” молиявий хатолар, ғайриқонуний сарф-харажатларни ўйлаб топиш; назорат, тафтишнинг сустилиги, ҳужжатларни чалкаштиришга уриниш; кадрлар танлашдаги манфаатпарастлик, кадрлар қўнимсизлиги; ноаҳиллик, юқорига таъзим, қуйига тазйиқ кўрсатиш; ишсизликни бартараф қилишда масъулиятсизлик; хусусийлаштиришдаги манфаатпарастлик ва лоқайдлик; ҳўжалик мулклари ва маблағларини талон-тарож қилиш; эскича фикрлаш ва ишлаш кабилар.

Ушбу салбий хусусиятлар рахбар кадрларнинг уч-тўрт йиллик фаолиятларини, аини вақтда улар фаолият кўрсатган соҳа ва жойлар шарт-шароитлари манзараларини кузатиш, тўпланган маълумотларни умумлаштириш натижасида аниқланганини ҳисобга олиб айтиш мумкинки, бу ҳолат ўша вақтда бутун республикада турли соҳа ва даражаларда фаолият кўрсатаётган рахбар кадрлар дунёқараши, маънавий ва мафкуравий дунёсига хос камчиликларни ҳам ифодалар эди. Негаки, фаолият тафаккур кўзгуси деган ҳақиқатдан келиб чиқадиган булсак, рахбарлар амалга ошираётган ишлар уларнинг дунёқараши ва маънавий киёфасини ифодалаб туришини тушуниш ва англаш мумкин.

“Давлат - рахбарлару фуқароларнинг садоқати ва фидойилиги ила қудратлидир деган эди улуғ бобомиз Амир Темур”¹⁷

Хулоса қилиб айтганда, рахбарлик шахсини танлай билиш ва рахбар шахсининг маънавий киёфасини шакллантиришда, уларнинг бошқалардан ўзгачанлигини кўра билиш, шунингдек, уларни танлаш чоғида қандай масалаларга эътибор қаратиш кераклиги ҳамиша долзарб масала бўлиб келган. Буни биз Ислон Каримовнинг рахбарлик фаолияти мактабида кўриб ўтсак бўлади. Зеро, таниқли тадқиқотчи сиёсатшунос Ван Харпеннинг “Жамият тараққиёти қандай ишлашда эмас, қандай кадрлар билан ишлашда” ибораси ҳаққоний эканлиги амалий ўз ифодасини топмокда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. И.Каримов.Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.Т.2011й
2. И.Каримов.Она юртимиз бахт-у иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир.Т.2015й.
3. И.Каримов.Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили.Т.1995й.
4. Н.Боймуродов.Рахбар психологияси.Т.2007й
5. Мухаммад Али.Темур тузуклари.Т.2009й
6. Интернет маълумотлар.



A. BEKIMBETOVTI'N' «A'JAYI'P A'WLADLAR» ROMANI'NDA SO'Z DIZBEKLERINDEGI SINTAKSISLIK QATNASLAR

**M.Asenbaeva, B. Qurbanbaeva
A'jiniyaz ati'ndag'I' NMPI**

Yeki yamasa wannan da ko'p toli'q ma'nili so'zlerdin' ma'ni ha'm grammatikali'q baylani'si'nan du'zilgen ga'plik belgige iye yemes sintaksislik birlik so'z dizbegi dep ataladi'. Al ko'mekshi so'zler menen dizbeklesken ma'nili so'zler so'z dizbegi bola almaydi'. Ko'mekshi so'zler tek g'ana so'z dizbeklerinin' qurami'nda baylani'sti'ri'wshi'li'q xi'zmet atqaradi'. A'sirese, tirkewshiler so'z dizbeklerinin' qurami'nda ko'p qollani'ladi' ha'm basqari'w usi'li'ndag'i' so'z dizbeklerin payda yetedi. So'z dizbegi - ga'p si'yaqli' wo'zine ta'n obekti bar sintaksislik kategoriyalardi'n' biri. So'z dizbeginin' izertleniwi barli'q tillerde birdey yemes. Qaraqalpaq tilindegi so'z dizbeklerinin' ayi'ri'm a'hmiyetli ma'seleleri Ye.Da'wenovti'n' «Ha'zirgi qaraqalpaq tilindegi feyil so'z dizbekleri ha'm wolardi'n' du'ziliw jollari'» degen kandidatli'q dissertatsiyasi'nda ha'm qaraqalpaq tili mug'allimleri ushi'n qollanba retinde islenip baspada shi'qqan «Ha'zirgi qaraqalpaq a'debiy tilindegi so'z dizbekleri» atli' miynetinde belgili

¹⁷ Н.Боймуродов.Рахбар психологияси.Т.2007й.18-б

28. Eshmuratov X. Davlat va jamiyat hayotidagi millat, milliylik va millatparvarlik tushunchalarining ahamiyati.....	69
29. Ешимбетова Н. Социокультурная значимость пословиц и поговорок в разносистемных языках	71
30. Ержанова М.К. Алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган болаларга таълим-тарбия берувчи педагог ходимлар малакасини оширишда инновацион фаолиятни ташкил этишнинг аҳамияти	74
31. Ережепова Г. Алланазаров Е. Т.Жумамуратовтың «Мәкария сулыў» дәстанында фольклорлық үлгилер хәм новаторлық.....	77
32. Джолдасева Г. О когнитивном аспекте моновалентных и поливалентных глаголов действия в современном английском языке.....	80
33. Dauletiyarova N.K. Using idioms in learning English.....	83
34. Даўкеева А. Раҳбар қобилятининг психологик тавсифи	84
35. Давлетова Г. Сапаева Ф. Махтумқули ва ўзбек маданий муҳити.....	87
36. Бектурғанов У. Сейдуллаева Д. Т.Қайыпбергеневтың «Бахытсызлар» романында қолланылған ўақыт бағыныңқылы қоспа гәплердің структурасы... ..	90
37. Бекжанова Ш. Қтайбекова З. Т. Мәтмуратов поэзиясында муҳаббат темасы	92
38. Балтабаева Р.Б., Опаева Г.А. Олий таълим муассасаларида ўқув-услугий мажмуаларини лойиҳалашнинг методик асослари.....	94
39. Бабаниязова Н. П. Современное состояние изучения иностранных языков в Республике Узбекистан: анализ учебника English B1 для учащихся академических лицеев	97
40. Атажанов У. Раҳбар кадрларнинг маънавий қиёфаси ва уни шакллантиришда Ислом Каримов асарларининг аҳамияти.....	99
41. Asenbaeva M., Qurbanbaeva B. A. Bekimbetovti'n' «A'jayi'p a'wladlar» romani'nda so'z dizbeklerindegi sintaksislik qatnaslar.....	103
42. Хошанова Г.Б. Прошедшее время глагола в английском и каракалпакском языках.....	105
43. Алтынбаева А. Виды отсубстантивной транспозиции.....	108
44. Хошанова Г. Алтынбаева А. Спор в языкознании о значении предлогов в составе словосочетания.....	109
45. Алламбергенев Е. К. «Авесто» ның «Вандидот» бөлиминде әдеп-иқрам хәм хуқықый тәрбия мәселелериниң сәўлелениўи.....	112
46. Эгамбердиев Э.Х. Правовое обучение: индивидуальная работа и работа в малых группах.....	115
47. Aliyeva X. SH. Ayapovti'n' muhabbat lirikasi.....	118
48. Айтжанова А. Тажбенова С. Баслаўыш билимлендириўде дидактикалық ойынлардың әҳмийети.....	120
49. Адилова К. Қтайбекова З. Ө.Айжанов прозасында көркем шеберлик мәселеси	122
50. Алтынбаева А.О., Хошанов Б.Х. Средства современного каракалпакского языка для передачи пространственных и временных приглагольных русских предлогов.....	125
51. Ходжаниязова У. Самостоятельная работа студентов как важнейшая форма организации учебного процесса.....	127
52. Сарибаева С., Толегенова Г.Ж. Воспитательная система школы.....	130
53. Сарибаева С. Использование информационных технологий на уроках русского языка и литературы.....	132
54. Хабибназаров К., Ходжаметова Г. Қарақалпақ жыраўларының тәлим-тәрбиялық ой пикирлери	133
55. Аширов М.П. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш самарадорлигининг айрим масалалари.....	136
56. Сагиндикова Н.Ж. Талабалар ўқув фаолиятининг самарадорлиги.....	139